QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 11 » iyun № 300 Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Президенти совриви учун “Илғор муҳандислик мактаби” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги авлод муҳандисларини тайёрлаш ва муҳандислик таълимини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–278-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, умумий ўрта таълим ташкилотлари ўртасида муҳандисликка оид фанларни ўқитиш бўйича рақобат муҳитини яратиш ҳамда уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ–278-сон қарорига мувофиқ **“Ўзбекистон – илғор муҳандислар мамлакати”** ташаббусини амалга ошириш доирасида:

ҳар йили умумий ўрта таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – мактаб) ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти совриви учун **“Илғор муҳандислик мактаби”** миллий танловини (кейинги ўринларда – танлов) ўтказиш;

танловнинг республика босқичи ғолиблари учун хорижий давлатларга таълим саёҳатини ташкил этиш;

танловнинг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган мактабга Давлат бюджети ҳисобидан муҳандисликка оид лабораториялар жамланмасини ўз ичига олган **инновацион технопарк** ташкил этиш учун **1 млрд сўм** миқдорида маблағ ажратиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти совриви учун “Илғор муҳандислик мактаби” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

мактаб терма жамоаларини шакллантириш, махсус платформада рўйхатдан ўтказиш;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмита, ҳакамлар ҳайъати, апелляция комиссиясини ташкил этиш, уларнинг вазифа ва функцияларини белгилаш;

танловнинг туман (шаҳар), ҳудудий ва республика босқичларини ўтказиш, танлов ғолибларини аниқлаш ҳамда уларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини топшириш тартиби.

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

3. Белгилансинки:

танлов ҳар йили 3 босқичда – туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика миқёсида мактаблар ўқувчилари ўртасида ташкил этилади;

танловда ҳар бир мактабдан фақат битта терма жамоа иштирок этади, мактаб терма жамоаси 8 – 10-синфнинг 5 нафар ўқувчилари ҳамда 1 нафар физика фани ўқитувчисидан иборат таркибда шакллантирилади;

инновацион технопаркка эга бўлган мактабларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра физика фани ўқитувчисига тенглаштирилган 1 та штат бирлигида лаборант лавозими киритилади.

4. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **икки ой муддатда** танловда иштирок этадиган мактабларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда мактаб терма жамоалари ўқитувчи ва ўқувчилари тўғрисидаги маълумотларни (ўқитувчиларнинг малака тоифа сертификатлари, ўқувчиларининг миллий ва халқаро сертификатлари, ўқувчиларнинг физика фанидан маҳаллий ҳамда халқаро олимпиада ва танловларда иштироки) баҳолаш имконини берувчи махсус платформани яратсин.

5. Муҳандис кадрлар тайёрлайдиган олий ва касбий таълим ташкилотларига бириктириладиган муҳандислик мактаблари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда бириктирилган техникумларга қуйидаги вазифалар юкланади:

муҳандислик бўйича креатив фикрлайдиган ўқувчиларни “Менинг келажакдаги касбим” дастури асосида тадбирларга жалб қилиш;

саноат корхоналарига экскурсияга олиб бориш ва ўқувчиларни ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан таништириш;

касб эгалари билан учрашувлар ташкил этиш орқали уларни муҳандислик соҳасига бўлган қизиқишини ошириш;

ўқувчиларни техникумлардаги мос касб ва мутахассисликлар билан таништириб бориш ва амалий дарсларга жалб этиш.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирлар 2026 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади, 2027 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири Э.Г. Каримова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “11” июндаги 300-сон қарорига
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун “Илғор муҳандислик мактаби” миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун давлат умумий ўрта таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – мактаб) ўртасида “Илғор муҳандислик мактаби” миллий танловини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда танлов ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғинини топшириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун “Илғор муҳандислик мактаби” миллий танлови (кейинги ўринларда – танлов) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (кейинги ўринларда – вазирлик) тизимидаги мактабларнинг 8, 9 ва 10-синф ўқувчилари ўртасида ҳар йили холислик, ошкоралик ва адолат тамойилларига риоя қилинган ҳолда ўтказилади.

3. Вазирлик ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактаблар танловга жалб этилмайди.

4. Вазирлик ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги ҳузуридаги Фан олимпиадалари маркази (кейинги ўринларда – Марказ) танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул ишчи орган ҳисобланади.

5. Танлов жараёнлари ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ ташкил этилади ҳамда ғолиб аниқланади.

6. Танлов уч босқичда – туман (шаҳар), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда республика босқичларида ўтказилади.

7. Танловнинг барча босқичларида мактаб терма жамоалари тегишли турлар кесимида мазкур Низомга 2-илова билан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида умумий 100 балли тизим бўйича баҳоланади.

2-боб. Танловнинг мақсади ва вазифалари

8. Танловни ўтказишнинг асосий мақсади мактаблар ўртасида STEM фанларини ўқитишда рақобат ва янгиликка интилиш муҳитини яратиш, таълим жараёнининг самарадорлиги ва сифатини оширишга кўмаклашиш, педагог ўқитувчиларнинг STEM фанларини ўқитишга бўлган қизиқиши ва интилишини кучайтириш ҳисобланади.

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

9. Қуйидагилар танловнинг вазифалари ҳисобланади:

мактабларда STEM фанларини ўқитиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлигини таҳлил қилиш;

STEM фанлари бўйича ўқувчиларга сифатли таълим бераётган, самарали фаолият кўсатаётган ўқитувчиларни аниқлаш ва рағбатлантириш;

мактабларда STEM фанларини ўргатиш бўйича тегишли инфратузилмани яхшилаш;

танловда юқори кўрсаткичларни қайд этган мактабларни рағбатлантириш, уларнинг тажрибасини оммалаштириш.

3-боб. Танловни ташкил этиш тартиби

10. Танловнинг тегишли босқичларини ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун Вазирлик ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ўз буйруқлари билан ташкилий қўмиталар, ҳакамлар ҳайъатлари, апелляция комиссиялари ташкил этадилар.

1-§. Ташкилий қўмита

11. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари), туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларида ташкилий қўмита (кейинги ўринларда – ташкилий қўмита) тузилади.

Туман ташкилий қўмитаси ҳамда ҳудудий ташкилий қўмита таркибига вазирлик ҳамда тегишли ташкилотларнинг юқори малакали маҳаллий ва хорижий мутахассислари киритилиши мумкин.

12. Қуйидагилар туман ҳамда ҳудудий ташкилий қўмиталарнинг вазифалари ҳисобланади:

танлов ўтказиладиган жойни белгилаш ва тасдиқлаш;

ҳакамлар ҳайъати таркиби, апелляция комиссияси аъзолари, аудитория раҳбарлари, аудитория назоратчилари рўйхатини шакллантириш ва тасдиқлаш;

танлов назорат материалларининг махфийлигини, танловнинг мазкур Низом талаблари асосида ўтказилишини таъминлаш;

танловнинг ташкил этилиши, ўтказилиши ва натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш;

танловда иштирок этувчи барча мактаб жамоалари ҳақидаги маълумотлар махсус платформага киритилишини мувофиқлаштириш;

танловнинг туман ҳамда ҳудудий босқичларида ўтказиладиган турларда бериладиган топшириқларни бажаришга ажратиладиган вақт меъёрларини ҳакамлар ҳайъати тавсиясига асосан белгилаш;

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

танлов натижалари ва ҳакамлар ҳайъати қарори асосида ғолибларни кейинги босқичда иштирок этиши бўйича тавсияни юқори турувчи ташкилий қўмитага тақдим этиш.

2-§. Ҳакамлар ҳайъати

13. Танловнинг барча босқичларида ташкилий қўмита томонидан 3 нафардан 7 нафаргача тоқ сонли аъзолардан иборат таркибда ҳакамлар ҳайъати тузилади.

14. Ҳакамлар ҳайъати:

танловда мактаб терма жамоалари томонидан бажарилган ишларни баҳолаш мезонлари асосида холисона текширади, баҳолайди ва ғолибларни аниқлайди;

танлов натижаларини танлов якунида эълон қилади;

ўтказилган танлов натижалари бўйича қарор қабул қилади ва уни ташкилий қўмитага тақдим этади.

15. Ҳакамлар ҳайъати таркибига тегишли соҳадаги юқори малакали (вазирлик ва идоралар, олий таълим ва илмий ташкилотлар, хусусий сектор ва хорижий ташкилотлар вакилларидан ҳам келишув асосида жалб этилиши мумкин) маҳаллий ёки хорижий мутахассислар жалб қилинади.

Ҳакамлар ҳайъати таркибига киритиладиган номзодлар:

STEM фанлари бўйича фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлган олимлар, шунингдек, соҳа бўйича етук мутахассис бўлиши;

халқаро ёки республика миқёсидаги муҳандислик лойиҳаларида иштирок этган бўлиши;

муҳандислик, технология, IT, робототехника, инновациялар ёки тегишли йўналишларда амалий тажрибага эга бўлиши;

патент, муаллифлик гувоҳномаси ёки технологик ишланма муаллифлиги мавжуд бўлиши тавсия этилади.

16. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари назорат материалларининг махфийлигини таъминлаш ва танлов ғолибларини холисона аниқлашга шахсан жавобгар ҳисобланади.

3-§. Аудитория раҳбари ва назоратчилари

17. Ташкилий қўмита томонидан танловнинг барча босқичлари учун аудитория раҳбари ва назоратчилари тайинланади.

Физика фани ўқитувчилари аудиторияга раҳбар ёки назоратчи этиб тайинланишига йўл қўйилмайди.

18. Аудитория раҳбарлари:

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

мактаб терма жамоаларига танловнинг тартиб-қоидаларини қисқача тушунтиради;

танлов бошланиши ва тугаш вақтини, шунингдек, топшириқларни бажариш учун белгиланган вақт меъёрларини эълон қилади ҳамда танлов жараёнини назорат қилади;

танловнинг амалий топшириқлари учун олдиндан “хавфсизлик йўриқномаси” билан таништиради;

танлов жараёнида ўрнатилган тартиб-қоидаларга амал қилмаган ўқувчиларни далолатнома тузиб танловдан четлаштиради;

танловнинг амалий топшириқ қисмида иштирокчи жамоаларнинг бажарган ишларига тегишлилик белгисини қўйиб, текшириш учун ҳакамлар ҳайъатига топширади.

19. Аудитория назоратчилари танлов ўтказилаётган ва ўзлари бириктирилган аудиторияда тартиб сақланишини таъминлайди ва аудитория раҳбарига қўйилган вазифаларни амалга оширишда кўмаклашади.

20. Танлов ўтказиладиган аудиториялар видеокузатув камералари билан жиҳозланади.

Аудиторияда телефон ва турли алоқа воситаларидан фойдаланиш тақиқланади. Калькулятордан фойдаланишга рухсат этилади.

Оммавий ахборот воситалари вакилларига танлов жараёнига халақит қилмаган ҳолда кузатишларига рухсат берилади.

21. Танлов ўтказилаётган жараёнда мактаб терма жамоаларининг ўзаро гаплашиши ва рухсат этилганидан бошқа турли хил қўшимча манбалардан, шунингдек, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиши тақиқланади.

Бундай ҳолатларда мактаб терма жамоаси танловдан четлаштирилади, бажарган ишлари текширилмайди ва баҳоланмайди.

4-§. Апелляция комиссияси

22. Апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъати таркибига кирмаган тоқ сонда, уч нафаргача малакали соҳа мутахассисларидан иборат таркибда тузилади.

23. Апелляция комиссияси томонидан шикоят аризалари танлов натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб 12 соат ичида қабул қилинади ҳамда мактаб терма жамоасининг фақат ўзига тегишли натижалари бўйича кўриб чиқилиб, шу куннинг ўзида натижа эълон қилинади.

Апелляция жараёнида ҳакамлар ҳайъати аъзолари, шикоят берган мактаб терма жамоаси иштирок этади.

24. Ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланган мактаб терма жамоасининг бажарган ишида баҳолаш мезонларига мос келмаслик ҳолатлари аниқланганда, апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъати қарорини бекор қилиш ёки уларга ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга.

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

25. Апелляция комиссияси ҳакамлар ҳайъатига апелляция натижалари бўйича изоҳ бериб, танлов натижаларини ўзгартириши мумкин ва бунда ҳакамлар ҳайъати қарори қайта тасдиқланади.

26. Апелляция комиссияси қабул қилган қарори тўғрисида ҳакамлар ҳайъатини ҳамда ташкилий қўмитани хабардор қилади.

4-боб. Танловни ўтказиш

27. Танловда иштирок этиш истагини билдирган мактаблар ҳар йили 1 январдан 1 февралга қадар Марказнинг ўқитувчилар малака тоифаси сертификатлари, уларнинг миллий ва халқаро сертификатлари, ўқувчиларнинг физика фанидан маҳаллий ҳамда халқаро олимпиада ва танловларда иштироки тўғрисидаги маълумотлари киритиладиган махсус платформасида (кейинги ўринларда – махсус платформа) рўйхатдан ўтади ҳамда мактаб терма жамоаси таркибини белгилайди.

Бунда танловнинг биринчи (туман) босқичида баҳоланиши назарда тутилган мактабнинг асосий кўрсаткичларини асословчи ҳужжатлар вазирликнинг тегишли ахборот тизимларидан автоматик интеграциялаш орқали олинади.

28. Танловда ҳар бир мактабдан фақат битта мактаб терма жамоаси иштирок этиши мумкин.

Мактаб терма жамоаси 8 – 10-синфнинг 5 нафар ўқувчилари ҳамда 1 нафар физика фани ўқитувчисидан иборат таркибда шаклланади.

29. Махсус платформага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилигига мактаб директори шахсан жавобгар ҳисобланади.

30. Махсус платформада бир мактаб терма жамоасида рўйхатдан ўтказилган иштирокчи танлов якунига қадар бошқа мактаб терма жамоасида иштирок этишига йўл қўйилмайди.

Заруратга кўра махсус платформага ҳар бир мактаб терма жамоаси 3 нафаргача захира ўқувчи ҳамда 1 нафар ўқитувчини киритиши мумкин.

Бунда танловнинг бирор-бир босқичида мактаб терма жамоаси аъзоларидан бири узрли сабабларга кўра жамоани тарк этган тақдирда, унинг ўрнига захира иштирокчи жалб қилиниши мумкин.

31. Танлов уч босқичда:

биринчи (туман) босқич – ҳар йили 1 апрелга қадар тумандаги мактаб терма жамоалари ўртасида;

иккинчи (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) босқич (кейинги ўринларда – ҳудудий босқич) – ҳар йили 1 июлга қадар туман босқичида 1-ўринни қўлга киритиб, ғолиб бўлган мактаб терма жамоалари ўртасида;

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

учинчи (республика) босқич – ҳар йили 1 октябрга қадар ҳудудий босқичда 1-ўринни қўлга киритиб, ғолиб бўлган мактаб терма жамоалари ўртасида ўтказилади.

32. Танлов жараёнида фойдаланиладиган тест ва амалий иш топшириқлари (кейинги ўринларда – назорат материаллари) Марказ томонидан ишлаб чиқилади.

33. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичлари учун тайёрланган назорат материаллари тегишли ҳудудларга муҳрланган ҳолда, вазирлик томонидан бириктирилган масъул иштирокида Марказ томонидан бир кун олдин етказиб берилади.

34. Танловнинг биринчи (туман) босқичида мактаб терма жамоалари қуйидаги 2 турда беллашади:

а) 1-турда махсус платформада рўйхатдан ўтган мактаблар томонидан киритилган қуйидаги асосий кўрсаткичлари баҳоланади:

мактабда фаолият юритиб келаётган барча физика фани ўқитувчиларининг малака тоифа сертификатлари тўғрисидаги маълумотлар;

физика фанидан мактаб ўқитувчилари ҳамда ўқувчиларнинг миллий ва халқаро сертификатлари тўғрисидаги маълумотлар;

мактаб ўқувчиларининг физика фанидан олимпиада ва танловлардаги натижалари.

Бунда малака тоифаси сертификатлари ҳамда миллий ва халқаро сертификатлар тўғрисидаги маълумотлар вазирликнинг тегишли ахборот тизимидан автоматик тарзда олинади.

Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлими махсус платформага киритилган маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва 20 февралга қадар ҳаққонийлигини тасдиқлайди.

Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимларининг танлов жараёнини ташкил этиш бўйича фаолияти, шунингдек, мактабларнинг ҳаққоний маълумотларни тақдим этишлари Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари томонидан назорат қилинади;

б) 2-турда мактаб терма жамоасининг ҳар бир иштирокчиси STEM фанларини билиш даражаси бўйича тест топширади.

Тест жараёнида ҳар бир ўқувчи индивидуал баҳоланиб, мактаб терма жамоасининг натижалари умумлаштирилади ва танловнинг 1-турида мактабнинг асосий кўрсаткичларига қўйилган балларга қўшилган ҳолда мактабларнинг умумий натижаси ҳисоблаб чиқилади.

Умумий натижага кўра энг юқори балл тўплаган мактаблар баллар кетма-кетлиги асосида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган мактаблар сифатида белгиланади.

Танловнинг биринчи (туман) босқичи натижалари туман ташкилий қўмитаси томонидан махсус платформага киритилади.

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

Танловнинг биринчи (туман) босқичида 1-ўринни эгаллаган мактаб терма жамоаси танловнинг иккинчи (ҳудудий) босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Танловнинг иккинчи (ҳудудий) босқичида иштирок этадиган мактаб терма жамоаларига танловнинг биринчи (туман) босқичи якунлангандан сўнг 21 кун муддат ичида навбатдаги босқичнинг лойиҳа иши мавзуси ва унинг техник топшириғи тақдим этилади.

35. Танловнинг иккинчи (ҳудудий) босқичида мактаб терма жамоалари қуйидаги 2 турда беллашади ва умумий 100 балли тизим бўйича баҳоланади:

а) 1-турда мактаб терма жамоалари аввалдан берилган лойиҳа иши мавзуси доирасида тайёрлаб келган модель (макет)ларини тақдим этади, уларнинг ишлаш ҳолати текширилади ҳамда баҳоланади.

Ҳакамлар ҳайъати лойиҳа ишини техник талаблар, ижодкорлик, натижанинг амалий аҳамияти ва жамоавий меҳнатга асосланиб баҳолайди;

б) 2-турда мактаб терма жамоаси амалий иш топшириқларини бажариш орқали баҳоланади.

Мактаб терма жамоалари муҳандислик (ёки физика) йўналишидаги амалий иш топшириқларини белгиланган вақт давомида бажаради. Бунда амалий иш топшириқлари инновацион, ҳаётий долзарб муаммоларни ечишга қаратилган бўлиши лозим.

Мактаб терма жамоаларининг 1 ва 2-турда тўплаган баллари ҳакамлар ҳайъати томонидан умумлаштирилиб, якуний баллар шакллантирилади.

Танловнинг иккинчи (ҳудудий) босқичи натижаларига кўра умумий ҳисобда энг юқори балл тўплаган мактаб терма жамоалари баллар кетма-кетлиги асосида иккинчи (ҳудудий) босқичда 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган мактаблар деб топилади.

Танловнинг иккинчи (ҳудудий) босқичида 1-ўринни эгаллаган мактаб терма жамоаси танловнинг учинчи (республика) босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади.

36. Танловнинг учинчи (республика) босқичида мактаб терма жамоалари қуйидаги 2 турда беллашади ҳамда умумий 100 баллик тизим бўйича баҳоланади:

а) 1-турда мактаб терма жамоаси ўқувчиларига муаммоли масала тақдим этилади.

Мактаб терма жамоаси ўқувчилари белгиланган вақт давомида берилган масалага ечим тақдим қилади.

Мазкур турда мактаб терма жамоасидаги физика фани ўқитувчиси тест синовидан ўтказилади. Бунда ўқитувчининг тўплаган баллари мактаб терма жамоаси ўқувчилари баллари билан қўшиб ҳисобланади;

б) 2-турда мактаб терма жамоаси амалий иш топшириқларини бажариш орқали баҳоланади.

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

Мактаб терма жамоаси муҳандислик (ёки физика) йўналишидаги амалий иш топшириғини белгиланган вақт давомида бажаради. Бунда амалий иш топшириғи ҳаётий долзарб муаммоларни ечишга қаратилган бўлиши мумкин.

Мактаб терма жамоаларининг 1 ва 2-турда тўпланган баллари умумлаштирилиб, якуний баллар шакллантирилади.

Учинчи (республика) босқич натижаларига кўра умумий ҳисобда энг юқори балл тўплаган мактаб терма жамоалари баллар кетма-кетлиги асосида 1, 2, 3-ўринларни эгаллаган мактаблар сифатида белгиланади.

37. Танловнинг ҳар бир босқичида ғолибликка даъвогар мактаб терма жамоаларининг баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, мактаб терма жамоалари ўртасида қўшимча синов ташкил этилади.

Бунда баллари тенг бўлиб қолган мактаб терма жамоалари томонидан танланган бир нафар аъзога ҳакамлар ҳайъати томонидан очиқ тест саволлари бериш орқали ғолиб аниқланади.

38. Танлов жараёнининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида танловнинг барча босқичлари узлуксиз равишда овозли видеотасвирга туширилади, видеотасвир Марказда камида бир йил мобайнида сақланади.

39. Республика босқичида 1-ўринни қўлга киритган мактаб терма жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини соҳиби сифатида эълон қилинади.

5-боб. Танловни ташкил этишни молиялаштириш

40. Танловни ташкил этиш билан боғлиқ харажатлар тегишлилиги бўйича туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари, ҳудудий мактабгача ва мактаб таълими бошқармалари ҳамда вазирликнинг ҳар йилги марказлашган харажатлар сметасида режалаштирилади.

41. Танловнинг иккинчи (ҳудудий) ҳамда учинчи (республика) босқичларида иштирок этган ҳакамлар ҳайъати аъзолари, апелляция комиссияси аъзолари ҳамда аудитория раҳбари ва аудитория назоратчиларига ҳар йили Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган вазирликнинг марказлашган харажатлари ҳисобидан қуйидаги миқдорларда бир марталик ҳақ тўланади:

а) иккинчи босқичда:

ҳакамлар ҳайъати аъзоларига – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 50 фоиз миқдорида;

апелляция комиссияси аъзолари, аудитория раҳбарлари ва назоратчиларига – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 25 фоиз миқдорида;

б) учинчи босқичда:

ҳакамлар ҳайъати аъзоларига – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 100 фоиз миқдорида;

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

апелляция комиссияси аъзолари, аудитория раҳбарлари ва назоратчиларига – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 50 фоиз миқдорида.

42. Назорат материалларини тайёрлаш учун жалб қилинган мутахассисларга қуйидаги миқдорларда ҳақ тўланади:

а) биринчи босқичда танлов учун тайёрланган ҳар бир тест топшириғи, жумладан, очиқ тест топшириғи (унинг ечими билан) тузиш, таржима қилиш ва экспертизадан ўтказиш учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 30 фоиз миқдорида;

б) иккинчи босқичда:

танлов учун тайёрланган ҳар бир лойиҳа иши (унинг баҳолаш мезони билан) учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 140 фоиз миқдорида;

танлов учун тайёрланган ҳар бир амалий иш топшириғи учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 140 фоиз миқдорида;

в) учинчи босқичда:

танлов учун тайёрланган ҳар бир назарий иш топшириғи (унинг ечими билан) учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 140 фоиз миқдорида;

танлов учун тайёрланган ҳар бир тест топшириғи (унинг ечими билан) учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 30 фоиз миқдорида;

танлов учун тайёрланган ҳар бир амалий иш топшириғи учун – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига нисбатан 240 фоиз миқдорида.

6-боб. Танлов ғолибларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини топшириш

43. Танлов ғолиблари қуйидаги миқдорларда пул мукофоти билан мукофотланади:

а) туман (шаҳар) босқичида 1-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари, 2-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари, 3-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичида 1-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари, 2-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 баравари, 3-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорида;

в) республика босқичида 1-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 600 баравари, 2-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 450 баравари, 3-ўрин учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари миқдорида.

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини сифатида берилган пул мукофотлари танловнинг белгиланган босқичи якунлангандан сўнг 5 иш куни ичида ғолиб мактабнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказиб берилади.

45. Ғолиб мактабнинг бюджетдан ташқари шахсий ғазна ҳисобварағига ўтказилган маблағлар қуйидагича йўналтирилади:

танлов шартларига кўра асосий кўрсаткичлар бўйича мактабнинг юқори баҳоланишига ҳисса қўшган ҳамда ўқувчиларни танловга тайёрлаган физика фани ўқитувчиларини рағбатлантириш учун – умумий мукофот суммасининг 25 фоизи;

танловда қатнашиб, юқори натижалар кўрсатган терма жамоа аъзолари бўлган ўқувчиларни эсдалик совғалари ёки нақд пул шаклида рағбатлантириш учун – умумий мукофот суммасининг 25 фоизигача;

мактабнинг бошқа эҳтиёжлари, жумладан, танловнинг кейинги босқичига тайёргарлик учун зарур харажатлар, физика фанини ўқитишни янада яхшилаш учун шарт-шароитлар яратиш, физика хоналарини жиҳозлаш учун – мукофот суммасининг қолган қисми.

Терма жамоа аъзоларига бир хил қийматдаги совғалар ажратилади ёки мукофот суммаси жамоа аъзолари ўртасида тенг тақсимланади.

46. Танловнинг республика босқичи ғолиблари хорижий давлатларга таълим саёҳатига юборилади.

47. Танловнинг республика босқичида 1-ўринни эгаллаган мактабга муҳандисликка оид лабораториялар жамланмасини ўз ичига олган инновацион технопарк ташкил этиш учун 1 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади.

Бунда:

инновацион технопаркка эга бўлган мактабларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра физика фани ўқитувчисига тенглаштирилган 1 та штат бирлигида лаборант лавозими киритилади;

мазкур танлов доирасида муҳандисликка оид лабораториялар жамланмасини ўз ичига олган инновацион технопарк ташкил этиш учун 1 миллиард сўм маблағ битта мактабга фақат бир марта ажратилади.

7-боб. Якунловчи қоидалар

48. Танлов ғолибларини тақдирлаш маросимлари вазирлик, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тантанали равишда ташкил этилади ҳамда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

49. Мазкур Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

50. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
соврини учун “Илғор муҳандислик мактаби”
миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “Илғор муҳандислик мактаби” миллий танлови ғолибини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринини топшириш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Мактаблар	Платформада рўйхатдан ўтади ҳамда мактабнинг асосий кўрсаткичларини киритади.	1 январдан 1 февралга қадар
2-босқич	Туман (шаҳар) мактабгача ва мактаб таълими бўлимлари	Махсус платформага киритилган маълумотлар ҳаққонийлигини текширади.	20 февралга қадар
3-босқич	Фан олимпиадалари маркази	Танловнинг биринчи (туман) босқичи учун назорат материалларини тайёрлайди.	1 мартга қадар
4-босқич	Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича туман ташкилий қўмитаси	Танловнинг биринчи (туман) босқичини ўтказади ва ғолибларни аниқлайди.	1 апрелга қадар
5-босқич	Фан олимпиадалари маркази	Танловнинг иккинчи (ҳудудий) босқичи учун назорат материалларини тайёрлайди.	Апрель ойида
6-босқич	Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳудудий ташкилий қўмита	Танловнинг иккинчи (ҳудудий) босқичини ўтказади ва ғолибларни аниқлайди.	1 июлга қадар
7-босқич	Фан олимпиадалари маркази	Танловнинг учинчи (республика) босқичи учун назорат материалларини тайёрлайди.	Август – сентябрь ойларида
8-босқич	Танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси	Танловнинг учинчи (республика) босқичини ўтказади ва ғолибларни аниқлайди.	1 октябрга қадар

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
соврини учун “Илғор муҳандислик мактаби”
миллий танловини ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун
“Илғор муҳандислик мактаби” миллий танловининг
БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

I. Биринчи (туман) босқич	
Жами:	**100 баллгача**
1-тур. Асосий кўрсаткичлар	**20 баллгача**
Физика фани ўқитувчиларининг малака тоифасига эгалиги	***10 баллгача***
Олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқитувчилар улуши 50 фоиздан ошганда.	10 балл
Олий ва биринчи малака тоифасига эга ўқитувчилар улуши 50 фоиз ва ундан кам бўлганда.	5 балл
Физика фани ўқитувчилари ҳамда ўқувчиларнинг халқаро имтиҳон тизимлари бўйича махсус сертификатларга эгалиги	***5 баллгача***
Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги (кейинги ўринларда – Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги) томонидан бериладиган физика фанини билиш даражаси ҳақидаги A+ даражасидаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг умумий сони 5 ёки ундан ортиқ бўлганда.	5 балл
Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан бериладиган физика фанини билиш даражаси ҳақидаги A+ даражасидаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга ўқитувчи ва ўқувчиларнинг умумий сони 2 тадан 4 тагача бўлганда.	3 балл
Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан бериладиган физика фанини билиш даражаси ҳақидаги A+ даражасидаги миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга ўқитувчи ва ўқувчилар мавжуд бўлганда.	1 балл
Ўқувчиларнинг олимпиада ва танловларда эришган натижалари*	***5 баллгача***
Аввалги ўқув йилида ўқувчиси физика фани бўйича республика олимпиадасига йўлланма олганда.	5 балл

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

Аввалги ўқув йилида ўқувчиси физика фани бўйича вилоят олимпиадасига йўлланма олганда.	3 балл
2-тур. Тест топшириқлари	**80 баллгача**
Ҳар бир иштирокчи учун 30 та тест топшириқлари (максимал 16 балл)	5 * 16 балл
10 та енгил даражадаги тест топшириқлари – ҳар бир тўғри жавоб учун 0,3 балл.	3 балл
10 та ўрта даражадаги тест топшириқлари – ҳар бир тўғри жавоб учун 0,5 балл.	5 балл
10 та мураккаб даражадаги тест топшириқлари – ҳар бир тўғри жавоб учун 0,8 балл.	8 балл
II. Иккинчи (ҳудудий) босқич	
Жами	**100 баллгача**
1-тур. Лойиҳа иши: Лойиҳа иши мавзуси доирасида модель (макет) тайёрланади.	30 баллгача
2-тур. Амалий иш топшириғи: Мактаб терма жамоаси муҳандислик (ёки физика) йўналишидаги амалий иш топшириқларига белгиланган вақт давомида ечим тақдим этади.	70 баллгача
III. Учинчи (республика) босқич	
Жами	**100 баллгача**
1-тур. Назарий топшириқ	50 баллгача
Мактаб терма жамоаси ўқувчиларига муаммоли масала тақдим этилади.	*40 баллгача*
Мактаб жамоаси ўқитувчисига 20 та тест топшириқлари тақдим этилади (ҳар бир тўғри жавоб учун 0,5 балл).	*10 баллгача*
2-тур. Амалий иш топшириғи: Мактаб терма жамоасига муҳандислик йўналишидаги амалий иш топшириғи тақдим этилади.	50 баллгача

*) *Танловда инобатга олинадиган олимпиада ва танловлар рўйхати Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.*

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “11” июндаги 300-сон қарорига
2-илова

Муҳандис кадрлар тайёрлайдиган олий ва касбий таълим ташкилотларига бириктириладиган муҳандислик мактаблари
РЎЙХАТИ

Т/р	Ҳудудлар	Муҳандислик олийгоҳлари*	Муҳандислик техникумлари**	Муҳандислик мактаби
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	Нукус давлат техника университети	Нукус шаҳар 1-сон техникуми	Нукус шаҳридаги муҳандислик мактаби
2.	Андижон вилояти	Андижон давлат техника институти	Андижон шаҳар 6-сон техникуми	Андижон шаҳридаги муҳандислик мактаби
3.	Бухоро вилояти	Бухоро давлат техника университети	Бухоро шаҳар 2-сон техникуми	Бухоро шаҳридаги муҳандислик мактаби
4.	Жиззах вилояти	Жиззах политехника институти	Шароф Рашидов тумани 1-сон техникуми	Жиззах шаҳридаги муҳандислик мактаби
5.	Қашқадарё вилояти	Қарши давлат техника университети	Қарши шаҳар 3-сон техникуми	Қарши шаҳридаги муҳандислик мактаби
6.	Навоий вилояти	Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети	Навоий шаҳар техникуми	Навоий шаҳридаги муҳандислик мактаби
7.	Наманган вилояти	Наманган давлат техника университети	Наманган шаҳар 2-сон техникуми	Наманган шаҳридаги муҳандислик мактаби
8.	Самарқанд вилояти	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети	Самарқанд шаҳар 3-сон техникуми	Самарқанд шаҳридаги муҳандислик мактаби

QMMB: 09/26/300/0594-son
12.06.2026-y.

9.	Сирдарё вилояти	Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали	Сирдарё илғор касбий маҳорат техникуми	Мирзаобод туманидаги муҳандислик мактаби
10.	Сурхондарё вилояти	Термиз давлат муҳандислик ва агротехнологиялар университети	Жарқўрғон тумани 1-сон техникуми	Жарқўрғон туманидаги муҳандислик мактаби
11.	Тошкент вилояти	Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали	Ангрен шаҳар 2-сон техникуми	Ангрен шаҳридаги муҳандислик мактаби
12.	Фарғона вилояти	Фарғона давлат техника университети	Фарғона шаҳар 5-сон техникуми	Фарғона шаҳридаги муҳандислик мактаби
13.	Хоразм вилояти	Ал-Хоразмий университети	Урганч шаҳар 2-сон техникуми	Урганч шаҳридаги муҳандислик мактаби

**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 сентябрдаги ПҚ-278-сон қарорига 2-иловага асосан бириктирилган олий таълим ташкилотлари.*

***) Касбий таълим ташкилотларининг таълим йўналишларини ўзгаришини инобатга олиб, Касбий таълим агентлигига бириктирилган техникумлар рўйхатини ўзгартириш ваколати берилади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM
1